

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ТУТНИНГ НАВДОР КЎЧАТЛАРИНИ МОСЛАШТИРИШ

Жиёмуратов Элубай Базарбаевич -Қорақалпоғистон қишлоқ
хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти

Садикова Махсуда Кенес қизи- Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институти 4-курс студенти

Бердиниязова Улзада Ажинияз қизи- Қорақалпоғистон қишлоқ
хўжалиги ва агротехнологиялар институти 4-курс студенти

Сипатдинова Алтинай Фахраддин қизи- Қорақалпоғистон қишлоқ
хўжалиги ва агротехнологиялар институти 4-курс студенти

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон шароитида наводор тут кўчатларини етиштириш усуллари келтирилган. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида шох-шаббаси шаклланмаган ва ўз илдизига эга бўлган тут кўчатларининг иккинчи йилги кўчатлар бўлимида ривожланишини ўрганиш мақсадида тут кўчатларининг бўйи, танасининг йўғонлиги ва танадан ўсиб чиққан навдаларининг йўғонлиги ва узунлиги каби кўрсаткичларнинг ривожланиши борасида тадқиқотлар олиб борилди.

Калит сузлар Тут дарахти, тут кўчатлари, динамика, навод, қаламчалар, усул, тутзор, агротехник тадбир, тупрок структураси

Аннотация. В статье представлены методы выращивания сортовых саженцев шелковицы в условиях Каракалпакстана. В условиях Республики Каракалпакстан, с целью изучения развития саженцев шелковицы без формирования ветвей и имеющих собственные корни в секции саженцев второго года, были проведены исследования по развитию таких показателей, как высота саженцев шелковицы, толщина ствола, а также толщина и длина побегов, растущих из ствола.

Ключевые слова: Тутовое дерево, саженцы тутового дерева, динамика, сорт, черенки, метод, плантация тутового дерева, агротехническое мероприятие, структура почвы

Abstract. The article presents methods for growing varietal mulberry seedlings in the conditions of Karakalpakstan. In the conditions of the Republic of Karakalpakstan, in order to study the development of mulberry seedlings without the formation of branches and having their own roots in the second-year seedling section, studies were conducted on the development of such indicators as the height of mulberry seedlings, the thickness of the trunk, and the thickness and length of the shoots growing from the trunk.

Keywords Mulberry tree, mulberry seedlings, dynamics, variety, cuttings, method, mulberry plantation, agrotechnical measure, soil structure

Тут дарахти қийин илдиз оладиган ўсимликдир. Шунга кўра, қаламчаларнинг илдиз олиши тут дарахтларининг тури, таркиби ва наводорлик хусусиятлари она ўсимликларнинг ёши ва уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ўтган асрнинг 50-йилларида К.Рахмонбердиев ҳалқаланган тут қаламчаларидан тут кўчатларини кўпайтириш бўйича илмий иш олиб борган. Тутнинг ёғочлашган қаламчалари одатда бир йиллик новдаларидан тайёрланиб, уларнинг ўсиши анча олдин тезлашади ва тўқималари яхши етилган бўлади. Шунга ўхшаш регенерация (қайта тикланиш) (У.Абдуллаев) жараёни қаламча учун кесиладиган новдаларнинг ўсиш тезлиги ва унинг давомийлигини белгилаш муаллиф томонидан илмий-тадқиқот ишларида ўтказилган.

Шунга асосланиб, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида шох-шаббаси шаклланмаган ва ўз илдизига эга бўлган тут кўчатларининг иккинчи йилги кўчатлар бўлимида ривожланишини ўрганиш мақсадида тут кўчатларининг бўйи, танасининг йўғонлиги ва танадан ўсиб чиққан новдаларининг йўғонлиги ва узунлиги каби кўрсаткичларнинг ривожланиши борасида тадқиқотлар олиб борилди.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ҳалқаланмаган ва ҳалқаланган қаламчаларни экиш усулига қараб кўкариши ва ўсиш даражасининг кўрсаткичлари. (2023-2024 йй.)

Экиш усуллари	Экилган қаламчалар сони			Бир йиллик
	Ҳаммаси	Шундан кўкаргани		новдасининг
		Дона ҳисобида	% ҳисобида	ўртача узунлиги, см
Ҳалқаланмаган қаламчалар				
Ётқизиб (горизонтал) экилган қаламчалар	300	123	61,5	212
45 ⁰ да қияликда экилган қаламчалар	220	82	32,9	175
Ҳалқаланган қаламчалар				
Ётқизиб (горизонтал) экилган қаламчалар	300	270	90.0	291

45 ⁰ С да қияликда экилган қаламчалар	250	165	66	278
---	-----	-----	----	-----

Ушбу жадвал орқали шуни айтиш мумкинки ҳалқаланмаган ва ҳалқаланган қаламчалар 45⁰ С қияликда экилганга нисбатан ётқизиб экилганда илдиз олиш даражаси 1,4-1,9 % га юқори бўлган. Шунингдек, новданинг қаламча тайёрлаш учун фойдаланадиган қисми эвазига новдаларга ҳалқа солиш сони ҳам камаяди, буларнинг ҳаммаси она бута тутлардаги новдаларни сийраклаштириш, яъни 4-5 тадан новда қолдириш йўли билан гектар бошига кўп миқдорда диаметри 20 мм дан кам бўлмаган ҳалқаланган қаламчалар олишга эришиш мумкинлигини тасдиқлайди. Демак, новданинг фойдали қисми диаметри 1 см дан кам бўлмаганлиги лозим бўлиб, бир йиллик новданинг кучлилиги асосининг йўғонлигига қараб белгиланади. Бундай шароитда новданинг 1 см га тўғри келадиган йўғонлиги унинг энг юқори қисмига тўғри келиши кераклиги ва она тут дарахтлари ҳар йили кўкламда февраль ойининг иккинчи ярмида, март ойининг бошларида қаламчалар тайёрлаш мақсадида кесилади.

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида шох-шаббаси шаклланмаган ва ўз илдизига эга бўлган тут кўчатларининг иккинчи йилги кўчатлар бўлимида ривожланиши (2020-2021 йил)

Тут навларини номи	Кўчатнинг бўйи, см	Танасининг йўғонлиги		Назоратга нисбатан %	Новдалар	
		Асосидан мм М±m	120 см баланд- ликда мм М±m		Йўғон- лиги, мм М±m	Узунлиги см, М±m
Пионер	384,4	31,4± 1,129	22,2 ± 0,733	152,0	15,9 ± 0,351	264± 5,38
Ўзбекистон	349,6	30,3 ± 1,411	20,1 ± 0,808	137,6	15,6± 0,374	228,6 ± 5,28
Тожикистон уруғсиз тути (қиёсловчи)	258,0	24,1 ± 0,436	14,6 ± 0,323	100,0	10,2± 0,214	137,6 ± 2,64

Етиштирилган қаламчадан ўстирилган кўчатлар уруғидан етиштирилган кўчатларга ўхшаш тарзда кузда хазонрезгиликдан сўнг ёки эрта кўкламда шира ҳаракати юришмасдан махсус қишлоқ хўжалик тракторлари ва қазил плугларида 35-40 см чуқурликда қазиб олинади. Кўчатларни қазиб олишдан 7-12 кун олдин кўчатзор енгил суғорилади. Қазилган қаламчадан униб чиққан кўчатларни хиллаш олдидан ётқизиб экилганлари 2-3 см жойидан илдизлари қирқилади.

Бунда, ҳар бир кўчатнинг новдаси ва илдизлари бўлиши керак. Шу [илда тайёрланган кўчатлар ЎзДСТ №1027-2002 Давлат стандартларига мувофиқ I.II.III навларга ажратилиб, тупроққа кўмишдан олдин чуқурга ташланиб, касаллик ва зараркунандаларга қарши дориланади ва фумигация қилинади ҳамда тупроқ ва кумни аралаштирган ҳолда кўмиб қўйилади. Бунда қаламчадан наводор тут кўчатларини кўпайтиришнинг иқтисодий афзаллигини аниқлаш учун уларни озикалик сифати юқори бўлган кўчатларни пайвандлаш орқали кўпайтириш усули билан таққослаш тўғри бўлади.

Тажриба натижалари: Тадқиқот Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани “Агро Пилла” МЧЖ га қарашли “Сартбай Пирниёзов“ фермер хўжалигида 2019-2021 йилларда тут кўчатини қаламчасидан етиштиришда юқорида баён қилинганлардан ташқари эгат билан эгат оралиғи 4 метр эгат пастки қисмининг кенглиги 70-75 см (намликни яхши сақлаш мақсадида эгатларнинг узунлиги 20-25 метрдан) суғоришни текис олиб бориш учун бўлиб чиқилди. Эгатнинг усти кетмон ёрдамида 7-10 см чуқурликда ариқчалар қилиниб, ана шу ариқчаларга 5-7 см чуқурликка 30-40 см узунликдаги қаламчалар ётқизиб экиб чиқилди. Тупроқ намлигига қараб, яъни тупроқ қуруқ бўлса эртаси куни, агар тупроқ намлиги 70-75 % бўлса 2-3 кундан кейин эгатларга жилдиратиб сув юборилди.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида эгатни бостириб суғормаслик керак, акс ҳолда эгат усти қатқалоқ бўлиб, сувнинг парланиши натижасида

тупроқнинг пастки қисми ортиқча иссиқ ҳарорат ташкил қилиб, қаламча илдизи ва куртаги чириб кўкармай қолади.

Ҳар ҳафтада кетмон ёрдамида эгат атрофи чопиқ қилиниши керак бўлиб, чопиқнинг яна бир афзаллик томони, бегона ўтларнинг илдиз олишга тўсқинлик қилиб, уларнинг униб чиқишини батамом тўхтатиб қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев У. Тутчилик. - Тошкент: Меҳнат, 1991. 7-9-б.
2. Азимов Э., Беккамов Ч.И., Мирзаева Ё.Я., Ражабов Н.О. Тутчиликда дала тажрибасини ўтказиш.//Зооветеринария, №3. – Тошкент, 2016.-Б. 27-28.
3. Алексеева О.Н. Особенности роста и плодоношения сортов персика. – Бюлл. ВИР. 162. – 1986. – С. 82-83.
4. Алексейченко Н.А., Бабаева Г.И., Надкернична Е.В., Булатова Ю.О. Влияние микробиологических удобрений на развитие новых высокопродуктивных сортов шелковицы. //«Ипакчилик соҳасидаги долзарб муаммолар ечимининг илмий асослари». «Фан». –Ташкент. 2004. – С. 291-294.
5. Беккамов Ч.И., Мирзаева Ё, Назаров А. Навдор тутлардан очик ҳавода кўчат олиш ва кўчатларни давлат стандартлари асосида етиштириш технологияси.//Агро-бизнес информ, №6(149). – Тошкент, 2019.-Б.31
6. Беккамов Ч.И., Мирзаева Ё.Я., Ҳайдаралиев Ж.Р., Равшанова С.А. Тутчиликни жадал ривожлантиришда микроклонлаштиришни такомиллаштириш ва ундан фойдаланишнинг истиқболлари.//Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, №4(74). – Тошкент, 2018. –Б.82-85.
7. Беккамов Ч.И., Ражабов Н.О., Раҳмонова Х.Э., Қодирова М. Совуқ урган тут дарахтларига шакл бериш ва агробиологик жиҳатдан қиёсий баҳолаш. //Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, №2(60). – Тошкент, 2015.-Б.53-54.
8. Беккамов Ч.И., Раҳмонбердиев В.К., Ражабов Н.О. ва бошқалар. Совуқ урган тут дарахтлари ва тутзорлар барг ҳосилини ошириш чора-тадбирлари.//Зооветеринария, №1(98).- Тошкент, 2016. –Б.37-38.

9. Беккамов Ч.И., Соҳибова Н.С., Зикирова М.О. Интенсив тутзорларни ташкил қилиш ва наводор тут баргларида фойдаланиш тизими самарадорлиги.//Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, №1(75). – Тошкент, 2019. –Б. 125-127.